

активность и увеличить объемы выпуска инновационной продукции. Однако, нельзя забывать не только о количественном увеличении и масштабировании инновационных кластеров, но и о качественном составляющем вопроса развития инновационных кластеров. Помимо этого, необходимо учесть ограниченный характер статистических данных, ответы на вопрос изучения и мониторинга развития инновационных кластеров в Узбекистане имеет серьезные пробелы. Для дальнейшего глубокого исследования, важен систематический сбор статистических данных на государственном уровне по различным показателям, связанные с итогами деятельности инновационных кластеров в структуре национальной экономики.

*М.Ш.Толипов, доцент ТДТУ,
Ш.А.Сулейманова, ассистент ТДТУ,*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Глобализм концепцияси доирасида жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш имкониятларининг ҳозирги кўринишда тугаши жаҳон иқтисодиётининг янги моделга ўтишини оддиндан белгилаб беради. Ушбу режимнинг ўзига хос хусусияти миллий манфаатларни, биринчи навбатда, миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишдир. Ушбу концепция доирасида ҳар бир мамлакат нафақат ички бозорни тўлдириш, балки иш ўринларини сақлаб қолиш ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш асосида ўзининг иқтисодий ва саноат сиёсатини шакллантиришга мажбур бўлади. Инновациялар орқали диверсификация ва тузилмавий муаммоларни ҳал қилиш қулай бизнес мухитини яратиш, бозор рақобатини кучайтириш ва фирмаларни бошқа мамлакатлар ёки тармоқларда ҳаётйлиги исботланган ғоялар, бизнес моделлари ва технологияларни тизимли равишда ўзлаштириш ва мослаштириш учун қўллаб-қувватлашни талаб қиласди.

Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш жараёнларини ўз вақтида модернизация қилиш, технологияларни янгилаш ҳамда корхоналарнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан инновацион технологияларни қўллаш орқали ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари юзасидан бир қатор вазифалар бажарилмоқда. Ривожланган мамлакатларда ускунани янгилашнинг ўртacha даражаси йилига 15-17 фойзни ташкил қиласди, яъни уларнинг эскириш муддати 10 йилдан анча кам. Ускуналарни модернизация қилишнинг паст даражаси ишлаб чиқариш қувватларининг қисқаришига таъсир қиласди. Янгиланишдан мақсад харажатларни камайтириш, саноат корхоналарининг рентабеллиги ва рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Тўқимачилик саноати корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологик базасининг эскирганлиги маҳсулот сотиш ҳажмининг камайишига ва натижада бозор улушкини йўқотишига олиб келади. UNCTAD ҳалқаро ташкилотининг “2021 йилда технологиялар ва инновациялар ҳисоботи”да қайд этилишича, ривожланаётган мамлакатлар унумдорликни ошириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва иш ўринларини яратиш учун автоматлаштиришни онгли равиша мослаштириш ва ундан фойдаланиш керак. Бу борада ривожланаётган мамлакатлар бир қатор муаммоларга ечимларини ишлаб чиқишилари зарур:

-паст технологик ва инновацион салоҳият. Даромади паст мамлакатларда малакали ишчилар кам ва иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалигига таянади, янги технологиялар имкониятларидан сустрок фойдаланилади.

-диверсификациянинг сустлиги. Ривожланаётган мамлакатлар миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш учун инновацияларни ўзлаштириш ва мослаштириш орқали саноати ривожланган мамлакатларга тақлид қилган ҳолда инновацияларга интилади.

-молиялаштириш механизмининг заифлиги. Ривожланаётган мамлакатларнинг аксарияти илмий-тадқиқот ишларига молиявий маблағларни кам йўналтиради. Ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни жалб қилишда хусусий маблағ қиймати пастлигича қолмоқда.

-интеллектуал мулк хуқуqlари ва технологиялар трансфери. Интеллектуал мулкни қатъий ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва энергетика каби соҳаларда

фойдали бўлиши мумкин бўлган янги технологиялардан фойдаланиш динамикаси суст даражада.

Юқоридаги хуросаларни миллий инновацион тизимни баҳолашда қўлланиувчи GII (Global Innovation Index) ҳисботини солиштирма таҳлил натижасида ҳам кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилувчи етакчи давлатлар билан солиштирма таҳлили

	Германия	Хитой	Ҳиндистон	Вьетнам	Ўзбекистон
GII 2022 даражаси	8	15	40	48	82
Даромад даражаси	Юқори	Ўртадан юқори	Ўртадан паст	Ўртадан паст	Ўртадан паст
Институтлар	76.5	80.4	60.1	60.6	57.3
Инсон капитали ва тадқиқотлар	64.1	57.7	38.3	27.2	30.8
Инфратизим	57.7	57.0	40.7	42.5	41.7
Бозор мураккаблиги	53.7	65.1	50.3	38.4	33.9
Бизнес мураккаблиги	52.7	52.3	30.9	31.6	25.3
Билим ва технология натижалари	54.8	39.3	33.8	26.0	17.9
Ижодий натижалар	52.3	38.7	24.3	30.8	7.7

Глобал тўқимачилик экспортер давлатлари билан солиштирганда умумий аҳвол ижобий тенденцияни кўрсатади, аммо “Билим ва технология натижалари” ва “Ижодий натижалар” субиндекслари юқоридаги давлатларга нисбатан аҳамиятли даражада эмаслигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ушбу индекслар эса айнан саноатда инновация ҳамда инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши тенденциясини кўрсатади.

Умумий хуроса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ривожланган мамлакатларга нисбатан ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётида инновацияларни жорий қилиш бир мунча орқадалиги аён бўлмоқда. Айниқса, меҳнат унумдорлигининг таълимга боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, таълим даражаси 10 фоизга ошгани ҳолда меҳнат унумдорлиги 8,6 фоизга ошади. Устав капиталининг бир хил ўсиши билан ҳосилдорлик 3-4 фоизга ошади. Яъни, кадрлар билим даражасини ошириш иқтисодий самарадорликни ошишига олиб келади. Аммо ҳозирги кунда халқ таълим тизими миллий иқтисодиётнинг инновацион динамик ривожланаётган тизимнинг талаблари ҳамда халқаро бозорнинг ўзгарувчанлиги шароитида мукаммаллик даражаси нисбатан пастроқ. Кўпгина олий ўқув юртларида реал ишлаб чиқариш билан алоқа яхши йўлга қўйилмаган, натижада илмий изланишлар даражаси паст. Хорижий тажрибадан кўришимиз мумкинки, талабалар учун векторли инновацион тренингларнинг мунтазам ўtkазилиб турилиши университетларнинг юқори салоҳиятдан дарак беради. Қолаверса, таълим тизимининг инновацонлиги ҳамда замонавий лабаратория шароитлари хорижий университетларни баҳолашда асосий мезонлардан бири бўлиб келган. Замонавий Америка университетлари асбоб-ускуналар, илмий-техника базасини ривожлантириш ва кенгайтириш, талабалар ва ходимларга ўқиш ва илмий изланишлар учун энг яхши имкониятларни яратишга йилига икки миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлайди. Мамлакатимизда тўқимачилик саноати инновацияларини жорий қилишда OEM (асл ускуна ишлаб чиқарувчи) мамлакатлари устунлик қилмоқда. Шу билан бирга тўқимачилик корхоналарини бошқаришни стандартлаштириш амалиёти секин ривожланмоқда, бу эса фойда нормаларини янада пасайтиради.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноатида инновацион ва инвестиция фаоллигининг етакчи мамлакатларга нисбатан пастлиги қўйидагилар билан боғлиқ:

- бошқарувда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам янги “ютуқ” инновацион технологиялар асосида тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш учун зарур инвестициялар этишмаслиги;

- илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш ҳажмининг камайиши тадқиқот ва ишланмалар самарадорлигининг пасайишига, шунингдек, инновациялар яратишга қодир олимларнинг камайишига олиб келади. Илмий ишланмалар рақобатбардош юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариши кенгайтириши рағбатлантирадиган янги технологик базани яратишга хизмат қилмоқда;

- тадқиқот натижаларидан фойдаланишининг паст даражаси; бу харажатлар, рентабеллик, маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулот ассортиментини янгилаш тезлигига салбий таъсир кўрсатади.

Тўқимачилик саноатини барқарор ривожланишининг инновацион механизмини ишлаб чиқишида бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу соҳада мавжуд маҳаллий ва хорижий адабиётлар ўрганилганда, олимлар инновацион моделларнинг уч хил турини таклиф қилишган:

1. Америка модели. Моделнинг асосий ғояси инновацион технологияларни ўта ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қўллаш. У юқори илмий тадқиқот ишланмалари харажатлари, инновацияларни рағбатлантиришининг кенг тарқалган билвосита усуллари ҳамда инновацион технологияларни барча босқичларда жадаллаштириш билан тавсифланади.

2. Европа модели. Ушбу модельнинг асосий ғоясини инновацион фаолият ва ижодий салоҳиятни ривожлантириш, фан ва технологияга катта эътибор бериш, инсоннинг ҳаёт сифатини юқори даражасини таъминлаш ҳамда корхоналарнинг юқори инновацион фаоллигини амалга оширишни ташкил қиласди.

3. Осиё модели. Бозорда юқори иқтисодий кўрсактичларга эришиш учун инновацион технологияларни яратиш ушбу модельнинг асосий мақсади ҳисобланади. Унда амалий ва фундаментал тадқиқотларни ва йирик корпорацияларни инновацион технологияларнинг асосий субъекти сифатида ҳамда бевосита ва билвосита рағбатлантириш дастакларини ривожлантиришга қаратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида барқарор тўқимачилик саноатини ривожлантириш ушбу соҳани барқарор ривожланишининг инновацион йўлига ўткизиши назарда тутади. Бу эса уни барқарор ривожланишининг инновацион механизмини ишлаб чиқариш лозим бўлади. Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот ишида корхонада инновацион технологияни қўллашнинг концептуал инновацион модели ишлаб чиқилган.

*TDTU «Sanoat iqtisodiyoti va menejmenti» kafedrasi dotsenti,
DSc K.A.Muxitdinova*

«OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI» AJNING KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY MEZONLARI

O‘zbekiston Respublikasi O‘rta Osiyo davlatlari orasida yer osti boyliklarining katta zahiralari mavjudligi bilan ajralib turadi. Mamlakatimizda oltin, mis, neft konlari, tabiiy gaz, ko‘mir, bizmut, volfram zahiralari mavjud. O‘zbekistonda sanoat korxonalarini rivojlantirish va ushbu tarmoqqa yangi texnologiyalarni joriy qilish maqsadida 2022-yilda sanoat korxonalariga 138,9 trln so‘mdan ortiq investitsiya oqimlari yo‘naltirildi.

Sanoat tarmoqlari ichida investitsiyalarning 55 foizi aynan ishlab chiqarishga to‘g‘ri kelmoqda, ya’ni jami 76,4 trln. so‘m investitsiyalar yo‘naltirilgan. Mamlakatimizda sanoat korxonalarini qo‘llab quvvatlash maqsadida 19 ta erkin iqtisodiy industrial zona faqatgina 2022-yilda tashkil etildi, kichik sanoat zonasini 400 dan ortiqni tashkil etib, 10 trln so‘m miqdorida infratuzilmaga sarf qilindi. Sanoat korxonalariga yo‘naltirilgan investitsiyalar o‘tgan 2021-yilga nisbatan 28,7 foizga oshdi.

21,1 trln. so‘m miqdordagi investitsiyalar tog‘-kon sanoatiga yo‘naltirilgan bo‘lib, o‘tgan yilga nisbatan 8,1% ga o‘sigan. Sanoat korxonalarini xom ashyo bilan ta’minlash maqsadida geologiya-qidiruv ishlari 3 marotabaga ortib, yangi kon zahiralari 600 tani tashkil etdi. O‘zbekistonning turli hil hududlarida 19 ta rangli va qora metallurgiya sanoati korxonalari tashkil etildi.